

Oriental Journal of Education [SJIF for 2022:6](#)**SCIENTIFIC RESEARCH AND SCIENTIFIC SCHOOL OF ABDURAKHIM MANNONOV****Dr. Prof. Gulchekhira Rikhsieva***Rector, Candidate of Philological Sciences, Professor**Tashkent State University of Oriental Studies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Keywords: Afghan studies, Pashto studies, Alisher Navoi, Pashto language, Pashto literature, fundamental project, practical project.

Received: 09.11.23**Accepted:** 11.11.23**Published:** 13.11.23

Abstract: This article is about the research paths and scientific works of Abdurahim Mutalovich Mannonov, who created his own scientific school in Afghan studies and Pashtun studies, the author of many scientific articles, the leader of several fundamental scientific projects, a scientist who delivered dozens of doctors of science and philosophy to the scientific community, Chairman of the Uzbekistan-Afghanistan Friendship Society informs about schools. Also, the fundamental works created by Abdurahim Mannonov as a scientist - Alisher Navoi's 5-volume concordance of "Khamasa", 9-book "History of Eastern Peoples' Literature (by country)" and 10-book Great Silk Road are also mentioned in the article. Discussions were held regarding the projects of interpretation of the oral creativity of the peoples of the past countries.

АБДУРАХИМ МАННОНОВНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛМИЙ МАКТАБИ**Гулчехира Рихсиева***Ректор, Филология фанлари номзоди, профессор**Тошкент давлат шарқшунослик университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: афғоншунослик, паштушунослик, Алишер Навоий, пашту тили, пашту адабиёти, фундаментал лойиҳа, амалий лойиҳа.

Аннотация: Ушбу мақола афғоншунослик ва паштушуносликда ўз илмий мактабини яратган шарқшуносликнинг дарғаси, кўплаб илмий мақолалар муаллифи, бир қанча фундаментал илмий лойиҳалар раҳбари, ўнлаб фан докторлари ва фалсафа докторларини илмий жамоатчиликка етказиб берган олим, Ўзбекистон-Афғонистон

дўстлик жамияти Раиси Абдурахим Муталович Манноновнинг тадқиқот йўллари ва яратган илмий мактаблари ҳақида хабар беради. Шунингдек, мақолада Абдурахим Манноновнинг олим сифатида яратган фундаментал асарлари - Алишер Навоий "Хамса" сининг 5 жилдлик конкорданси, 9 та китобдан иборат "Шарқ халқлари адабиёти тарихи (мамлакатлар бўйича)" ва 10 та китобдан иборат Буюк ипак йўли кесиби ўтган мамлакатлар халқларининг оғзаки ижодиётини талқин қилиш лойиҳалари юзасидан фикрлар юритилган.

НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И НАУЧНАЯ ШКОЛА АБДУРАХИМА МАННОНОВА

Гулчехра Рихсиева

Ректор, кандидат филологических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Афгановедение, пуштуистика, Алишер Навои, язык пушту, литература пушту, фундаментальный проект, практический проект.

Аннотация: В данной статье речь идет об исследовательском пути и научных трудах Абдурахима Муталовича Маннонова, создавшего собственную научную школу в афганистике и пуштуноведении, автора многих научных статей, руководителя ряда фундаментальных научных проектов, учёного, выпустившего десятки докторов наук. науки и философии научному сообществу, - сообщает о школах председатель Общества дружбы «Узбекистан-Афганистан». Также в книге упоминаются фундаментальные труды, созданные Абдурахимом Манноновым как учёным, - 5-томный конкорданс "Хамса" Алишера Навои, 9-книжный "История литературы народов Востока (по странам)" и 10-томный "Великий шелковый путь". В статье состоялись обсуждения проектов интерпретации устного творчества народов прошлых стран.

КИРИШ

Шарқшунослик соҳаси ўзининг чуқур илдизларига эга. Шарқ тилсимларини очиш асрлар давомида мамлакатлар ва халқларнинг илмий, ижодий маданий меросини ўрганиш билан бевосита боғлиқ бўлиб келган. Яқин қўшнилардан тортиб, узоқ Шарқ мамлакатларига қадар халқ мероси, унинг тафаккур меваси ҳисобланган адабиёт дурдоналарини ўрганиш бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Шарқшунос адабиётшунослар орасида камёб, мураккаб тилларни

Ўрганувчи, унинг адабиётини таҳлил ва тадқиқ этувчи олимлар фаолияти бугунги кун ёшларига ўрناк бўлса арзийди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абдурахим Маннонов паштушунослик, афғоншуносликда катта илмий мактаб яратиб, ҳозирги кунга қадар шогирдлар тайёрлаб келаётган олимдир.

Маълумки, юқори малакали шарқшунос мутахассисларни тайёрлаш ва соҳанинг долзарб масалалари бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда мамлакатимизнинг учта энг йирик шарқшунослик марказлари: Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти ва Тошкент Ислом академиясининг зиммасига тушган. Албатта, филолог, тарихчи, манбашунос, иқтисодчи, сиёсатчи шарқшунос тахассисларни тайёрлашда ТДШУ алоҳида мавқега эга эканлиги маълум. Бу таълим масканида шарқ мамлакатларига оид ўнлаб фундаментал монографик тадқиқотлар, илмий асарлар, турли тўпламлар чоп этиб келинади.

Устознинг республиканинг энг кўзга кўринган, нуфузли таълим муассасасини 2007-2019 йиллар орасида бошқариш давларида битмас-туганмас юмушларни ижро этиш билан бир қаторда, олим сифатидаги илмий ишлари, фундаментал лойиҳаларни бошқариш, ҳатто икки олам юки саналган бадиий таржима ишларини ҳам оқсатиб қўймаганликлари ҳайратга солади, кишини. Устознинг қалами остидан айнан ректорлик қилган йилларида ҳозирги замон афғон халқ эртаклари, замонавий ҳикояларидан таржималарининг асосий қисми ўша даврда амалга оширилган. 2012-2017 йилларда А.Қуронбеков ва М.Имомназаровлар билан ҳаммуаллифликда тузилиб, Фан ва технология нашриётида чоп этилган, 5 жилддан иборат умумий ҳажми 303 босма табоқни ташкил этувчи Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” дostonлари конкордансини айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, 2017 йилда нашр этилган М.Имомназаров, С.Сотиболдиева ва О.Очиловлар билан ҳаммуаллифликда яратилган Қадимги шарқ адабиёти (Энг қадим давлардан мелодий III-IX асрларгача), “Форс адабиёти (15,75 б.т.) монографик асарларини ҳам санаб ўтиш жоиз.

Устоз илмий салоҳиятларининг яна бир улкан қирраси – у киши томонидан турли журналлар, илмий тўпламлар, матбуотда чоп этилган ва аксарияти ҳозиргача ўз илмий қимматини йўқотмаган 200 дан ортиқ мақолалари, ижодий ишлари, шарқшунослик соҳаларига оид хорижий мамлакатларда ўтган Халқаро анжуманлардаги маърузаларидир. У кишининг илмий-ижодий ва таржимонлик фаолиятлари, табиийки, деканликдан ректорлик лавозимига тайинланганларидан кейин ҳам изчил давом этди.

Абдурахим Муталович ўзининг кўп йиллик тинимсиз изланишлари натижаси ўлароқ афғон мумтоз шоирлари ижоди бўйича туркум мақолалар ва монографиялар эълон қилади. Олимнинг илк монографик асари “У истоков афганский классической литературы” (биринчи қисм) 1994 йилда чоп этилади. 1996 йилда **“XVI-XVII асрлар пушту тилидаги рошанийлар адабий мактаби (манбалари ва реконструкцияси муаммолари)”** мавзусида рус тилида ёзилган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 2001 йилда илмда энг юксак чўққи – профессорлик унвонига сазовор бўлади ва Афғонистон адабиёти бўйича Республикада ягона олим даражасига эришади.

Абдурахим Муталович 16 та монографик асар (булардан 7 таси яқка муаллифликда, 9 таси ҳаммуаллифликда), 17 та дарслик, ўқув ва ўқув-услубий кўлланма, 200 дан ортиқ илмий ва илмий-услубий, илмий-оммабоп мақолалар ҳамда тезислар муаллифидир. Бундан ташқари, домла турли муаллифлар томонидан нашр этилган 60 дан зиёд китобга масъул муҳаррирлик ҳам қилганлар.

2011-2018 йилларда А.Маннонов институтда илк бор амалга оширилган йирик фундаментал тадқиқотларга илмий раҳбарликни ўз зиммасига олди. У кишининг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ўша йиллар ўзбек шарқшунослиги тарихида илк бор 9 жилдлик, қарийиб 250 босма табоқдан иборат Шарқ халқлари адабиёти тарихига оид **“Қадимги шарқ адабиёти”, “Ҳиндистон халқлари адабиёти”, “Араб адабиёти”, “Форс адабиёти”, “Корейс адабиёти”, “Туркия адабиёти”, “Хитой адабиёти”, “Афғонистон адабиёти”, “Афғонистон дарийзабон адабиёти”** каби йирик ҳажмли китоблар яратилди. Бу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши, дарҳақиқат, Марказий Осиё минтақаси шарқшунослигининг улкан илмий воқеаси эди. Домла ушбу 9 жилдлик салмоқли монографик тадқиқотларнинг кўптерабли нашрларини амалга ошириб халқимизни баҳраманд қилиш ниятида эдилар. Афсуски, шарқшунослик тарихида илк бор яратилган бу фундаментал тадқиқотларнинг кўптирабли нашрлари домларининг ишдан кетганларидан кейин амалга оширилмай қолди.

Устознинг раҳбарлиги остида 2010-2013 йилларда давлат гранти асосида Ўзбекистонда илк бор **“Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг мазмуни ва ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш”** мавзусидаги лойиҳа амалга оширилди. Натижада, лойиҳа доирасида 14 та илмий монографик тадқиқотлар ва ўқув-методик кўлланмалар яратилган. **“Буюк Ипак йўли мамлакатлари халқларининг фольклори жанрлари ва типологияси”** каби 10 та йирик фундаментал илмий лойиҳаси ҳам муваффақиятли амалга оширилган. Натижада, араб мамлакатлари, Хитой, Корея, Индонезия, Афғонистон, Япония, Туркия, Эрон ва Ўзбекистон халқлари фольклори ҳақида 10 та монографик тадқиқот, 2 та салмоқли таржималар тўплами, 100 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар чоп этилди.

А.Манноновнинг қарийб ярим асрлик илмий фаолияти давомида яратган “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи”, “Афғон халқ оғзаки ижодиёти”, “Ҳозирги замон Афғонистон адабиёти”, “Пушту тили”, “Пушту тили лексикологияси”, рус тилида “Афғон мумтоз адабиёти сарчашмаларида”, “Рошанийлар адабиёти” ва ҳаммуаллифликда: “Афғонистон тарихи”, “Ўзбекистонда афғоншунослик”, “Қадимги Шарқ адабиёти”, “Форс адабиёти”, Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг 5 жилдлик конкорданси, “Шарқшунослик масалалари”, “Ўзбек шарқшунослигининг улуғ дарғаси” каби йирик монографик тадқиқотлари, “Пушту тили”, “Дарий – сўзлашув тили”, “География, история, культура и государственный строй Афганистана”, “Алишер Навоий асарлари бўйича конкорданс тузиш қўлланмаси” каби яқка ва ҳаммуаллифликдаги 8 та дарслик ва қўлланмалари нашр қилингани кўпчиликка маълум.

Устоз яратган дарслик ва қўлланмалар муҳим методик ва назарий хусусиятларга эга. Улар талабаларнинг мустақил фикрлаши ва Афғонистон дарий ва пуштузабон шоир ва адиблари ижодига мустақил кириб боришларини кўзда тутди. Мисол сифатида келтирилган шеърлар таржималари билан бирга берилди ва уларни таҳлил қилиш талабанинг ўзига, унинг ҳукмига ҳавола қилинади.

Абдурахим Манноновнинг монографияларига ўз вақтида кўплаб тақризлар ёзилган. Жумладан, олимнинг «У истоков афганской классической литературы», часть 1., Боязид Ансори и его «Хайр ал-байан» (Ташкент: «Фан», 1994) монографиясига тарих фанлари доктори Раҳимжон Қодировнинг “О связи времен” номли мақоласи «Народное слово» газетасида 1995 йил 18 майда босилиб чиққан. Ўша йили филология фанлари номзоди Исроил Бекжоновнинг “Ишқ ила равшан ҳақиқат” номли тақризи “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1995 йил 15 сентябрь сонидида чоп этилган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ушбу монографияга ёзган “Боязид Ансорийни танидик” деб номланган тақризи “Миллий тикланиш” газетасининг 1995 йил 5 декабрь сонидида, Санкт-Петербурглик афғоншунос олим М.С.Пелевин ёзган “У истоков афганской классической литературы” мақоласи 1995 йил Санкт-Петербургда чиқадиган «Восток» журналининг 6-сонидида чоп этилди. Орадан 27 йил ўтиб бу атоқли адибимиз 2022 йил 16 декабрда “Янги Ўзбекистон” газетасида нашр эттирган “Шарқшунос” мақоласида шунай ёзади: “ Ёлғиз дарахт ўрмон бўлолмаслиги аниқ, лекин чин маънодаги битта шахс миллати ва она халқи тафаккурини фавқулудда янги босқичларга олиб чиқишга қодир. Бунга тарихдан исталганча мисоллар топилади. Абдурахим Маннонов бежиз афғон халқи тарихининг XVI-XVII юз йиллигига мурожаат этмади. Қабила-қабилла бўлиб умргузаронлик қилаётган, турмуш машаққатларига “тўйинган” халқ ҳаётида уйғониш, ўзгариш палласи этилди. Адоғи ва миқёсини кўз илғамайдиган, узлуксиз давом этаётган тенгсизлик оддий фуқаронинг сабр косасини тўлдирди. Норози халқ ҳаракати “Равшанийлар” номини олди. Ҳаракатнинг

етакчиси ва ғоявий раҳбари халқ орасида “Пири рўшон” (рўшнолик пири) мартабасини олган, нуфузи ғоятда баланд Боязид Ансорий ибн Абдуллоҳ (1521-1572) эди”.

А.Манноновнинг 2006 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган “Рошанийская литература на пушту XVI-XVII вв. (источники и проблемы реконструкции) монографиясига профессор М.Имомназаровнинг масъул муҳаррир сифатида ёзган “Сўнгги сўз”и, Маъриф Отахоновнинг “Овози тожик” газетасининг 2008 йил 27 сентябрь сонидида “Пири Равшан: пайравон ва муҳолифони у” тақризлари ҳам нашр этилди.

Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳрида дарий тилида нашр этиладиган “Афғонистон” газетасида ҳам “Равшаний адабиёти” китобига тақриз берилган (2009 йил 4 октябрь). Афғонистонда нашр этилган “Шамшод” журналида домланинг илмий асарлари рўйхати кнелтирилган. Шу ўринда Покистоннинг Пешовар университетидида доктор Парвез Мажхур Хешкининг пашту тилидаги тақриси (2010 йил 19 апрель), шу университет профессорлари: доктор Хидоятулла Наъим, доктор Салима Шаҳин ва пашту тили ва адабиёти маркази директори доктор Рож Валишоҳ Хатакларнинг домланинг бу китобларига пашту тилидаги тақризларини алоҳида санаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, таниқли ўзбек олими Маматқул Жўраевнинг устознинг “Афғон халқ оғзаки ижодиёти” китобига ёзган “Қадимий қадриятлар таҳлили” номли сермазмун тақриси “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилиб чиққан эди.

Абдурахим Маннонов 2018 йилдан ҳозирга қадар “Ўзбекистон-Афғонистон дўстлик жамияти”нинг раиси ҳисобланади. Ушбу жамиятнинг раиси сифатида Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари орасидаги маданий-маърифий, таълим-фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат мақсадидан келиб чиқиб, бир қатор ишларни амалга оширди ва жамият ўзининг халқ дипломатиясига асосланган фаолиятини ҳозирда ҳам давом эттирмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз Абдурахим Муталович кенг қамровли педагогик ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, йирик фундаментал лойиҳалар ва ёш олимларга раҳбарлик қилиш баробарида ўз илмий мактабини яратган олим ҳам ҳисобланади. У кишининг раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида кўплаб тадқиқотчилар Шарқ халқлари тили, адабиёти, тарихи, манбашунослиги ва халқаро муносабатлари, киёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашуносликка оид мавзулар бўйича 5 нафар фан доктори, 2 нафар фан номзоди ва 7 нафар фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олган мутахассислар тайёрланган.

Домланинг раҳбарлигида ўнлаб шарқшунос-магистрлар диссертацияларини муваффақиятли ёқлаганлар.

Устоз Абдурахим Манноновнинг шарқшунослик соҳаларига оид фундаментал, илмий-амалий тадқиқотларни йўлга қўйишдаги саъй-ҳаракатлари ва бевосита иштироки, раҳбарлиги

ҳақида гап кетганда мен учта йирик академик илмий лойиҳаларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Булар: Алишер Навоий “Хамса” сининг 5 жилдлик конкорданси, 9 та китобдан иборат “Шарқ халқлари адабиёти тарихи (мамлакатлар бўйича)” ва 10 та китобдан иборат Буюк ипак йўли кесиб ўтган мамлакатлар халқларининг оғзаки ижодиётини талқин қилиш лойиҳалари ҳисобланади.

Бу лойиҳаларнинг барчаси жаҳон шарқшунослиги илмида илк бор йирик ва истеъдодли тадқиқотчилар томонидан самарали амалга оширилганлиги билан диққатга сазовордир. Бу асарларнинг яратилиши, менинг кузатишимча, бениҳоя катта илмий салоҳият, узоқ, тинимсиз, сермашаққат меҳнат, улкан назарий изланишлар ва юзлаб оригинал асарларни тўплаб таҳлил этиш ва таржима қилиш жараёни билан боғлиқ эди.

Шунингдек, бу тадқиқотларни амалга оширилиши ва нашр этилиши натижасида нафақат соҳа мутахассислари, балки халқимиз ҳам илк бор “Ипак йўли” чорраҳаларидаги халқларнинг бой оғзаки ижодиёти намуналари, жанрлари, уларнинг бадиий олами билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ва яна бир муҳим жиҳати, бу монографик тадқиқотлар нафақат бўлғуси дарслик ва ўқув қўлланмалари учун бебаҳо материал бўлибгина қолмай, улар асосида келгусида ўнлаб диссертациялар ва шунга ўхшаш илмий-назарий тадқиқотларга йўл очиб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Биргина Алишер Навоий “Хамса”си дostonларининг конкорданси асосида, шубҳасиз, келгусида тилшунос, матншунос, адабиётшунос, луғатшунос, манбашунос, тасаввуфшунос олимлар томонидан ўнлаб фундаментал ишларни амалга ошириш мумкин бўлади. Ёки қуйидаги нашрларга эътибор беринг: “Қадимги шарқ адабиёти”, “Ҳиндистон халқлари адабиёти”, “Араб адабиёти”, “Форс адабиёти”, “Корейс адабиёти”, “Туркия адабиёти”, “Хитой адабиёти”, “Афғонистон дарийзабон адабиёти” (икки қисм) ҳамда “Араб халқлари фольклори”, “Афғон халқ оғзаки ижодиёти”, “Ҳинд фольклори”, “Хитой халқ оғзаки ижодиёти”, “Ипак йўли халқлари эпосининг типологияси”, “Индонез сеҳрли эртақлари поэтикаси” “Ипак йўли халқлари астромифологияси” каби йирик ҳажмли китоблар.

Бу лойиҳаларни амалга оширишда устознинг академик олимларимизга хос бўлган нафақат илмий салоҳиятлари, балки у кишининг қатъиятлари, тинимсиз талаблари, бир дақиқа ҳам бу ишларни эътибор марказидан қочирмаганликлари, керак бўлса ҳафталаб, ойлаб илмий лойиҳаларнинг бажарилиш жараёнлари билан шуғулланганликлари, ҳар бир муаллиф тадқиқотчи билан алоҳида-алоҳида тузилган режа ва жадвал асосида тинимсиз иш олиб борганликларининг гувоҳиман.

А.Маноновнинг “У истоков классической афганской литературы», “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёт”, “Рошанийская литература” каби монографиялари пашту адабиётини ўрганишда муҳим илмий манба сифатида хизмат қилиб келаётган бўлса,

афғон фольклори ва ёзма адабиётидан она тилимизга қилган таржималари (“Сарв шабадалари”. Тошкент, 1981), афғон халқ мақоллари таржималари, Афғонистон ёзувчиларининг ҳикоялари тўпламлари, у кишининг таржималари ва масъуллигида нашр этилган “Афғон халқ эртақлари” китоби, филол.ф.н. Эргаш Очилов билан ҳамкорликда чоп этилган “Афғонистон халқлари шеърияти намуналари” номли китоблари талабалар учун бой амалий манба ҳисобланади.

Абдурахим Муталович 1970 йили номзодлик, 1996 йил докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилганларидан кейин 2006 йилда «Фан» нашриётида ушбу тадқиқот иши 348 бетдан иборат фундаментал монографик асар шаклида рус тилида босиб чиқарилди. Китоб “Равшанийлар адабиёти” (“Рошанийская литература. Источники и проблемы реконструкции”) номи билан машхур. Ушбу китоб нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Иттифоқ ва хорижий мамлакатлар афғоншунослиги, шарқшунослигида фундаментал характердаги тадқиқот сифатида тан олинган.

Ушбу тадқиқот хусусида у кишининг маслакдош дўстлари филология фанлари доктори, профессор М.Имомназаров шундай ёзади: “Бу тадқиқот, айтиш мумкинки, афғоншуносликда кўзга кўринган воқеа бўлди. Равшанийлар адабиёти бўйича бу даражада мукамал асар на Афғонистоннинг ўзида, на Европа шарқшунослигида ҳануз яратилган эмас... Мавзу ҳақиқатан ҳам ўта мураккаб эди. Бу ерда фақат яхши манбашунос ва адабиётшунос бўлиш, бевосита ўша давр паштун қабилалари тарихий-ижтимоий шароитини яқиндан билиш мутлақо кифоя қилмасди. Боязид Ансорий ва равшанийлар адабий мактаби вакиллари олға сурган ғояларнинг асл моҳиятини тўғри англаб етиш ва аслига мувофиқ талқин этиш учун муаммо ечимини анча узокдан қидириш – ислом дини асослари, Яқин ва Ўрта Шарқ тасаввуф илмининг нозик сирларини чуқур тушуниш, араб-форс мумтоз шеърияти бадиий нафосатини теран илғаш, Ўрта асрлар Шарқ ижтимоий-сиёсий, маънавий-ирфоний муҳитини нозик ҳис қилиш ва энг асосийси – ўша даврда, яъни ҳукмрон коммунистик мафкура қолиплари бирин-кетин ич-ичидан нураб бораётган шароитда замон талабларига жавоб беришга мутлақо ярамай қолган ижтимоий фан қолипларидан узил-кесил воз кечибгина қўя қолмай, ҳақиқий илмий савияни намоён қилиш учун кириб келаётган янги аср жаҳон илми ривожидан даражасидаги янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш ҳам давр тақозоси эди”.

Устознинг илмий-тадқиқот олиб боришга бўлган иштиёқлари, айтилганидек, институт ректорлигини топширганларидан сўнг янада фаоллашди. Буни домланинг 2019 йилдан бошлаб нашр эттирган ишлари салмоғи ҳам кўрсатиб турибди. Булар сирасига С.Бўронов билан бирга нашр эттирган “Афганистика в Узбекистане”, ҳамкасблари билан ҳаммуаллифликда чоп эттирган “Буюк ипак йўли халқлари фольклорининг типологияси ва миллий ўзига хослиги”, “Ўзбек шарқшунослигининг улуғ дарғаси”, “Афғон халқ оғзаки ижодиёти”, “Шарқшунослик

масалалари. Вопросы востоковедения”, “У истоков классической афганской литературы” монографиялари, “Ўзбекистонда афғоншунослик”, “Пашту тили”, “География, история, культура и государственный строй Афганистана”, “Афғонистон адабиёти” каби ўқув адабиётлари шулар жумласидандир.

Хусусан, устознинг охирги уч йил мобайнида олиб борган илмий фаолиятларидан гувоҳлик берувчи қуйидаги уч-тўрт йирик фундаментал асарларни яна бир бор алоҳида санаб ўтишни истардим.

2020 йилда Абдурахим Манноновнинг “*Ўзбек шарқшунослигининг улуғ дарғаси*” номли монографияси нашрдан чиқди. Атоқли шарқшунос Шоислом Шомухамедов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб тайёрланган ушбу китобда олимнинг ҳаёти ва ижоди, самарали илмий ва педагогик фаолияти тадқиқ этилиб, олим яратган асарларнинг тўла библиографияси илова қилинган, устознинг барча илмий асарлари, дарслик-қўлланмалари ва таржималари бирма-бир ўз баҳосини олган. Китобда устоз Ш.Шомухамедовнинг шарқшунос сифатида шаклланиши, унинг Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси мудир ва машхур Шарқ факультетининг декани, Тошкент давлат университетининг проректори сифатида амалга оширган улкан фаолиятлари давомида Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар етиштириш, шарқшуносликни жаҳон илми даражасига чиқаришга қўшган катта ҳиссалари алоҳида таъкидланган. Хусусан, муаллифнинг устоз Шомухамедов томонидан яратилган энг йирик ва фундаментал асари “Фурс-тожик классиклари ижодида гуманизм” ва ноёб таржимонлик фаолияти ҳақидаги илмий фикр-мулоҳазалари, айниқса, кейинги авлод шарқшуносларимиз учун ўта муҳим. Чунки, ҳозирги авлод ҳамкасбларимизнинг аксарияти, афсуски, бу улуғ олим ва таржимоннинг халқимиз ва фанимизга қолдирган катта маънавий-маърифий ва илмий мероси билан яқиндан таниш эмаслар ва умуман замонавий шарқшунослигимизнинг тарихи, бу соҳанинг фидойи кишилари ҳаёти ва ижоди ҳақида билим ва маълумотга эга эмаслар.

Устознинг ўтган йили нашрдан чиққан “*Афғон халқ оғзаки ижодиёти*” номли монографиясида афғон (паштун) халқи оғзаки ижодиётининг асосий тур ва жанрлари, уларнинг вариантлари, ўзига хос бадиий олами ва композицион-структур хусусиятлари, строфикаси, қиёсий-типологик жиҳатлари каби масалалар ҳамдўстлик мамлакатлари шарқшунослигида илк бор тизимли равишда ўрганиб чиқилган. Муаллиф паштун халқ оғзаки ижодиётининг насрий ва назмий жанрлари борасида афғон фольклоршунослигида мавжуд бўлган баҳсли масалаларга ойдинлик киритиш, улар ҳақида ўз фикрларини билдириш ва қатор янги илмий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган.

Абдурахим Муталовичнинг яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриётида чоп этилган, шарқшунос мутахассислар, соҳа бўйича тадқиқот олиб бораётган бўлғуси афғоншунос олимларни етиштиришда муҳим илмий материал қимматига эга

бўлган **“Шарқшунослик масалалари”** номли яна бир салмоқли китобларида устознинг узок йиллар мобайнида шарқшунослик, афғоншунослик соҳаларида олиб борган изланишлари, илмий ижодлари жамланган, мазмун-мундарижасига кўра икки йўналишда берилган мақолалари тартибланган бўлиб, уларда ўзбек шарқшунослигининг босиб ўтган йўли ҳамда тараққиёти ҳам ўз аксини топган.

Ушбу китобда турли йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган ва ҳали чоп этилмаган бир қатор мақолалар жамланган бўлиб, улар ўзининг мазмун мундарижасига кўра икки йўналишга ажратилди. Биринчи йўналишда ўзбек шарқшунослигининг босиб ўтган йўли ҳамда тараққиёти, таниқли ўзбек шарқшунослари ҳақидаги хотиралар ва Ўзбекистон-Афғонистон адабий алоқалари, навоийшунослик билан боғлиқ масалаларга, яна бир қисми эса қўшни Афғонистон халқларининг тили ва адабиётини ўрганишга бағишланган.

“Ушбу китобни варақлаб, мақолаларга кўз югуртирар эканман, беихтиёр Бертельс ва Бартольд асарларини ўқиб, улардан хайратланган дамларим ёдимга тушди. Зероки, домла ўша жаҳонга машҳур шарқшунос олимларнинг классик тадқиқот услубларидан самарали фойдаланган ва уларни ўз илмий изланишларида мохирона қўллаш олган. Шу боис, мен Абдурахим Муталовични мумтоз шарқшунослик мактабининг замонавий ёрқин намояндаси сифатида эътироф этаман, – дейди, устознинг яқин дўсти ва маслакдоши Равшан Абдуллаев, – асар муаллифи ўз мақолаларининг бирида Залмай Ҳиводмални Афғонистоннинг забардаст адабиётшунос, манбашунос олими деб таърифлаган экан. Мен эса Абдурахим Муталовични забардаст паштушунос олим, ўзбек шарқшуносларининг дарғаси деб таърифлаган бўлар эдим”.

Абдурахим Муталовичнинг салмоғи икки юзларни ошган илмий мақолалари у кишининг ўз соҳасини устаси ва фидойиси бўлганидан далолат беради. Ҳар ҳолда, зукко ўқувчи бу ишлар замирида қанча билим ва тажриба, қанча меҳнат ва машаққат, қанча изланиш ва фидокорлик ётганини илғаб олиши қийин эмас. Буни номи юқорида зикр этилган **“Шарқшунослик масалалари”** номли мақолалар тўпламининг яратилиши мисолида далиллаш мумкин.

Ушбу китобдаги **“Янги университет – янги вазифалар”** деб номланган мақолада Тошкент давлат шарқшунослик университетиде яқин истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилган, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, ушбу мақолада ўндан ортиқ таълим йўналишининг истиқболи ҳақида сўз юритилса-да, **“Таржима назарияси ва амалиёти”** йўналиши университетнинг нисбатан янги, аммо муҳим соҳаси ҳисобланиши, унинг асосий мақсади Ўзбекистонда шарқ тиллари бўйича кўп қиррали таржимонлар етиштириш эканлиги, 2011 йилда собиқ Тошкент давлат шарқшунослик институтида фаолият бошлаган Таржимашунослик кафедраси бугунга келиб соҳа бўйича етакчи таълим бўғинига айлангани

таъкидланган. Шу билан бирга, юқори малакали таржимон мутахассисларни тайёрлашда мавжуд бўлган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш университет олдига қўйилган вазифаларнинг муҳим қисми ҳисобланиши, аввало, шарқ тилларини биладиган ва таржимашунослик фанларидан дарс берадиган салоҳиятли профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси кун тартибда турганлиги, юқорида айтилганидек, соҳа бўйича салоҳияти етарли ўқитувчи бўлмас экан, малакали таржимонлар етиштириш ҳам орқага сурилавериши қайд этилган.

Рус тилида чоп этилган, таъбир жоиз бўлса, эндигина “тандирдан” узилган яна бир фундаментал асар “*У истоков классической афганской литературы*” деб номланади. XVI-XVII асрларда афғонларнинг пашту тилидаги Ўрта аср адабиётининг энг мураккаб ҳодисаларидан бири бўлган равшанийлар адабиёти тарихини ўрганишга бағишланган фундаментал тадқиқотда янги маълумотлар, қўлёзмаларни қайта-қайта ўрганишлар асосида афғон адабий мактаби асосчиси Боязид Ансорий ва унинг “*Хайр ул-баён*” (“Хайрли хабар”) асари атрофлича ва чуқур таҳлил этилган бўлиб, китобда Ансорийнинг диний-тасаввуфий шаклда ҳар томонлама тўла баён этилган қарашлари ўша давр афғон ёзма адабиётининг шаклланиши ва юксалишига катта таъсир кўрсатганига урғу берилган, “*Хайр ул-баён*” асари нафақат равшанийлар адабиёти, балки илк мумтоз афғон (паштун) адабиётига замин яратгани, Боязид Ансорийнинг мутаассиблар ва ақидапарастлар, маҳаллий зодагонлар ҳамда ҳукмдорларни ғазаблантирган кескин мулоҳазалари Мулла Арзоний, Али Муҳаммад Мухлис, Восил Равшаний, Мирзохон Ансорий, Давлат Лаванай, Каримдод Равшаний каби 30 га яқин равшаний шоир ва адиблар шеърлятида оташин мисраларда тараннум этилгани таъкидланган. Равшаний шоирларининг сўфийлик қарашлари, шеърларининг образли ва поэтик, жанр ва услубий, ритмик хусусиятлари кўриб чиқилган. Китобда XVI-XVII асрларга оид юзлаб сўфиёна шеърларнинг мураккаб рамзий мисралари пашту ва дарий тилларида ўнлаб мумтоз қўлёзма асарлари таҳлил ва талқин қилинган ва бу ўз навбатида домладан жуда катта, тинимсиз меҳнат, кенг қамровли чуқур назарий билим талаб қилганлиги ва у кишининг рамзларга, метафизик фалсафий фикрларга тўла тасаввуф адабиётини чуқур билишлари ҳам кўриниб турибди.

ХУЛОСА

Бугунги кунда олдимизда Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукамал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш; Шарқ мамлакатларининг ривожланиш омиллари, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик

ходимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш каби масъулиятли вазифалар турибди. Ушбу йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришда устоздек фундаментал билимларга эга олимларнинг тажрибаларига таянамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mannonov, A. M., & Ochilov, B. E. (2013). Uzbekistan's participation in the process of Renovation of the Silk Road. *Mayak Vostoka.–T.: ToshDSHI*, (1-2), 43.
2. Маннонов, А. (2021). Образование–ключевой фактор развития государства и безопасности страны. Интервью министра образования и науки Республики Таджикистан Мухаммадюсуфа Имомзода. *Народная газета, -2021. -26 августа*.
3. Mannonov, A. (2016). Prisoner's mother demands compensation from penitentiary department for her son's death. *Asia-Plus online of March, 17*.
4. Mannonov, A. M. (2013). Ochilov BE The Rise of significance of transport communications of Uzbekistan within the process of Silk Road Renovation. *Buyuk Ipak yo 'lining o 'tmishi va hozirgi kuni: rivojlanishining ijtimoiy-madaniy, tarixiy, siesiy va iqtisodiy yo 'nalishlari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to 'plami, Toshkent sh, 25, 13*.
5. Куронбеков, А., Маннонов, А., & Имомназаров, М. (2012). ва б. Алишер Навоийнинг" Ҳайрат ул-аброр" достони конкорданси.-Т.:" Фан ва технологиялар". Т.: "Фан ва технологиялар, 608.
6. Маннонов, А. (1992). Подготовка студентов педвуза к использованию идей народной педагогики в нравственном воспитании детей. Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М., 1992.-17 с. *Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М.*
7. Маннонов, А. (1983). Учитесь беречь время: В помощь первокурснику.
8. Маннонов, А. Я китайский бы выучил только за то...
9. Маннонов, М. М., & Касимова, М. Д. (2023). КИТАЙСКИЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ О ДРУЖБЕ И ВЕРНОСТИ. In *Приоритеты социально-гуманитарных наук в условиях глобализации* (pp. 8-11).
10. Маннонов, М. А. (2022). ИСЛОМ ВА АФҶОН ЁЗУВИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ ШАРТЛАРИ. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(10), 236-238*.
11. MANNONOV, A. (2022). SARUKAIS. *Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies*, (01), 1-2.
12. Mannonov, Abdurahim, Hamidov, Xayrulla BEBAHO XAZINA ("Turkiy adabiyot durdonalari" tilimizda) // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.

13. Mannonov, Abdurahim UYG‘ONAYOTGAN ADABIYOT // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.
14. Маннонов, А. (2021). Юксак салоҳиятли ташкилотчи ва раҳбар. *Восточный факел*, 1(1), 3-13.
15. Маннонов, А. (2020). БЗ Холидов–афғоншунос. *Восточный факел*, 1(1), 69-71.
16. Маннонов, А. (2020). Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёрлашнинг йирик маркази. *Востоковедения*, 1(1), 5-27.
17. Маннонов, А. (2019). Жанр «ландей» и его поэтические особенности в афганском фольклоре. *Востоковедения*, 1(1-2), 4–20.
18. Маннонов, А. (2017). О романтике и романтических сказках в афганском (пуштунском) народном творчестве. *Востоковедения*, 3(3), 66–83.
19. Хуршид Дўстмухаммад. Шарқшунос (мақола), “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 16 декабрь сони.
20. Аждар ва шахзода (афғон халқ эртаги); б) Ташландиқ. А. Усмон ҳикояси. Таржимон: А. Маннонов. “Шарқ халқлари адабиёти таржималари” тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2013. – Б. 22-43.
21. Имомназаров М. Ўзбекистон шарқшуносларининг янги авлоди хусусида. “Олим умрининг мазмуни” тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.20.
22. Афганистика в Узбекистане (С.Бўронов билан ҳаммуаллифликда).–Тошкент: ТГИВ, 2019. –70 б.
23. Шарқшунослик масалалари. Вопросы востоковедения. – Тошкент: “Фан”, 2022. – 416 б.
24. У истоков классической афганской литературы. – Тошкент: 2023. – 400 с.
25. Ўзбекистонда афғоншунослик (С.Бўронов билан ҳаммуаллифликда). – Тошкент. ТДШИ: 2019. – 48 б.
26. Pushtu tili. Darslik (S.Qoraboyev bilan hammual-kda).–Toshkent: Zamin Nashr, 2019. 219 b.
27. География, история, культура и государственный строй Афганистана. Коллектив авторов. – Тошкент: 2019. – 312 с.
28. Ўзбек шарқшунослигининг улуғ дарғаси. Монография. – Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти, 2020. – 100 б.
29. Афғон халқ оғзаки ижодиёти. Монография. – Тошкент: “Effekt - D” нашриёти, 2021. – 210 б.
30. Шарқшунослик масалалари. Вопросы востоковедения. – Тошкент: “Фан”, 2022. – 416 б.
31. У истоков классической афганской литературы. – Тошкент: “Фан”, 2023. – 400 с.